



“Абитуриентларнинг ҳужжатлар тўпламини қайтариб олиш учун электрон ариза бериш” интерактив хизматининг намунавий регламенти.

1.Хизмат таърифи

1.1. Хизмат номланиши

Бухоро давлат университетининг (кейинги ўринларда Университет) расмий веб-сайти орқали “Абитуриентларнинг ҳужжатлар тўпламини қайтариб олиш учун электрон ариза бериш”

1.2.Хизмат натижаси

Аризачига ҳужжатлар тўпламини буюртма почта орқали етказиб бериш.

1.3.Хизмат кўрсатувчи органлар

-Бухоро давлат университети;
-“Ўзбекистон почтаси” АЖ.

1.4.Ҳуқуқий асослар

-Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июндаги “Олий таълим муассасаларига қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 393- сон қарори.

-Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2007 йил 23 августдаги 181-сон қарори.

1.5.Хизматдан фойдаланувчилар

Бухоро давлат университетига кириш имтиҳонлари натижаларига кўра талабалikka тавсия этилмаган фуқаролар.

1.6.Бажариш муддатлари

Университетнинг масъул ходими абитуриент маълумотларини текширгандан сўнг 2 (икки) кун ичида ҳужжатлар тўпламини “Ўзбекистон почтаси” АЖ нинг энг яқин почта бўлимига жўнатади.

-“Ўзбекистон почтаси” АЖ ҳужжатлар тўпламини 5 (беш) кундан кечиктирмаган ҳолда абитуриентнинг доимий рўйхатдан ўтган жойидаги

Энг яқин почта бўлимига етказди.

2.1. Батафсил маълумот олиш

Университетнинг расмий (<http://buxdu.uz>) веб-сайти орқали

2.2. Хизмат кўрсатиш манзили ҳақида маълумот олиш.

Абитуриентнинг доимий рўйхатдан ўтиш жойидаги тегишли почта бўлими хужжатлар тўпламини олиш жойи ҳисобланади.

3. Иш вақтлари ва мурожаат жавобларини кутиш вақтлари

3.1. Иш вақтлари

Хизмат кўрсатувчининг иш вақти: душанба-шанба куни соат 09⁰⁰ дан -18⁰⁰ га қадар.

Мурожаат дам олиш кунлари ёки байрам кунлари келиб тушган тақдирда, уларни кўриб чиқиш кейинги иш кунидан бошланади.

3.2. Жавобни кутиш муддатлари

24 соат

4. Хизмат кўрсатиш тартиби.

4.1. Зарур бўлган хужжатлар

-ЭРИ (электрон рақамли имзо)

-жисмоний шахснинг шахсий идентификацион рақами (ПИНФЛ).

4.2. Хизмат тўлови.

Энг кам ойлик иш ҳақининг 15% миқдориди.

4.3. Хизмат кўрсатиш босқичлари.

Университетнинг расмий (<http://buxdu.uz>) веб-сайти орқали хизмат кўрсатиш босқичлари:

-id.gov.uz орқали рўйхатдан ўтилади ва тизимга кирилади.

-“Интерактив хизматлар” бўлиmidан “Абитуриентларнинг хужжатлар тўпламини қайтариб олиш учун электрон ариза бериш” хизмати танланади;

-аризачининг шахсий идентификацион рақами (ПИНФЛ) киритилади;

-тўлов суммаси белгилангандан сўнг “тўловни амалга ошириш” функцияси танланади;

-автоматик равишда онлайн хизматини амалга оширувчи сайт саҳифаларига ўтилади;

-сайтда банк пластик картасининг рақами (16 хонали), амал қилиш муддати, “СМС хабарнома” бириктирилган телефон рақами киритилади, тўлов шартларига розилик билдирилади, “Тасдиқлаш” тугмаси босилади;

-телефонга келган тўлов амалга ошириш учун бир марталик СМС код киритилади;
-тўлов амалга оширилганлиги ҳақида маълумот олинади;
-тўлов амалга оширилганлиги ва ариза тўғри тўлдирилганлиги тасдиқланиб, “Электрон рақамли имзо билан юбориш” функцияси танланади ва ариза юборилади.

4.4.Хизмат кўрсатишнинг ички идоравий жараёни

Мурожаат келиб тушгандан сўнг университет масъул ходими:

-абитуриент маълумотларининг тўғрилигини ва тўлов амалга оширилганлигини текширади;
-хужжатлар тўпламини “Ўзбекистон почтаси” АЖ нинг тегишли почта бўлимига жўнатади.
- “Ўзбекистон почтаси” АЖ:
- хужжатлар тўпламини абитуриентнинг доимий рўйхатдан ўтган жойидаги энг яқин почта бўлимига етказилади.

4.5. Рад этиш сабаблари.

Ҳақиқий бўлмаган маълумотларнинг тақдим этилиши.

5.Хизмат кўрсатиш сифати.

5.1.Шикоят аризасини бериш тартиби

Рад этиш ҳолларида фойдаланувчи юқори турувчи ташкилотга қонунда кўрсатилган тартибда мурожаат этиши мумкин.

“КИРИТИЛДИ”
Қабул комиссияси масъул
Котиби
А.М. Кадиров
“27” сентябрь 2017 й



“КЕЛИШИЛДИ”
Ахборот технологиялар
маркази бошлиғи
М.З. Хусенов
“27” сентябрь 2017 й